



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, 222-95-20

web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

«12» июль 2021 j.

01-01/4-345- sanli

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси М.Т.Тилеўмуратов васийлик ва ҳомийлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ижроси аҳволи юзасидан Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик бўйича муассасалар ўрганилди.

Ўрганиш натижасига кўра Нукус шаҳар халқ таълими бўлимининг раҳбар ва масъул шахслари масъулиятсизликка йўл қўйганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инабатга олиб, Нукус шаҳар халқ таълими бўлими мудирини томонидан ишларини тўғри олиб бормаганлиги ва ўз лавозим вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошгани учун Нукус шаҳар халқ таълими бўлими мудирини (П.Ақназаров) га нисбатан интизомий жоза чораларини кўришингизни сўраймиз.

(Илова \_\_\_\_\_ варақда.)

Қорақалпоғистон Республикаси  
Халқ таълими вазири

 Р.Реимов

Ижрочи: С.Жуманиязов  
Тел: 612222466





**Қ А Р О Р**  
**Интизомий жавобгарлик тўғрисида**  
**иш қўзғатиш ҳақида**

2021 йил "29" июнь

Нукус шаҳри

Нукус шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси М.Т.Тилеўмуратов васийлик ва ҳомийлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ижроси аҳволи юзасидан Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органида ўтказилган текшириш бўйича, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и м :**

Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаров ўз зиммасига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажармасдан, хизмат интизомини бузган.

Жумладан, Нукус шаҳри "Ата макан" МФЙ ҳудуди С.Садыков кўчаси 10-уйда яшовчи фуқаро Ш.С.Бегжанова неvara фарзанди 2013 йил 14-октябрь куни туғилган Қ.Ө.Зайирбаевни ўз васийлигина олиш бўйича 2021 йил 11-февраль куни Нукус шаҳар Халқ таълим бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган ва Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан фуқаронинг мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилган, лекин фуқарога жавоб хатини юборилганлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас.

Ёки, Нукус шаҳри, "Гулзар" МФЙ ҳудуди М.Сарбиназ кўчаси 2-уй 4-хонада яшовчи фуқаро Ж.А.Сейтмуратова 2010 йил 8-сентябрь куни туғилган Б.У.Жуматовни ўз васийлигига олиш бўйича Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органига 25.12.2020 йил ариза билан мурожаат қилган, лекин Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўрганиб чиқилиб, фуқарога юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган. Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг бузилишига йўл қўйилган.

Шу сабабли, нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаров томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида қонунчилигига амал қилинмаганлиги, ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан, меҳнат интизомини бузганлиги боис, унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш лозим.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

**қ а р о р   қ и л д и м :**

1. Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаровга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилсин.






2. Қарор кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлигига юборилсин.

3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида уч кунлик муддатда Нукус шаҳар прокуратурасига ёзма равишда маълум қилинсин.

Нукус шаҳар прокурори   
адлия маслаҳатчиси

  
М.Т.Тилеумуратов



**Қ А Р О Р**  
**Интизомий жавобгарлик тўғрисида**  
**иш кўзғатиш ҳақида**

2021 йил "29" июнь

Нукус шаҳри

Нукус шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси М.Т.Тилеўмуратов васийлик ва ҳомийлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ижроси аҳволи юзасидан Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органида ўтказилган текшириш бўйича, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и м :**

Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаров ўз зиммасига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажармасдан, хизмат интизомини бузган.

Жумладан, Нукус шаҳри "Ата макан" МФЙ ҳудуди С.Садыков кўчаси 10-уйда яшовчи фуқаро Ш.С.Бегжанова неvara фарзанди 2013 йил 14-октябрь куни туғилган Қ.Ө.Зайирбаевни ўз васийлигина олиш бўйича 2021 йил 11-февраль куни Нукус шаҳар Халқ таълим бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган ва Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан фуқаронинг мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилган, лекин фуқарога жавоб хатини юборилганлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас.


Ёки, Нукус шаҳри, "Гулзар" МФЙ ҳудуди М.Сарбиназ кўчаси 2-уй 4-хонада яшовчи фуқаро Ж.А.Сейтмуратова 2010 йил 8-сентябрь куни туғилган Б.У.Жуматовни ўз васийлигига олиш бўйича Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органига 25.12.2020 йил ариза билан мурожаат қилган, лекин Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимига қарашли васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўрганиб чиқилиб, фуқарога юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган. Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг бузилишига йўл қўйилган.

Шу сабабли, нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаров томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида қонунчилигига амал қилинмаганлиги, ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан, меҳнат интизомини бузганлиги боис, унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш лозим.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

**қ а р о р   қ и л д и м :**

1. Нукус шаҳар Халқ таълим бўлимининг бошлиғи П.Ақназаровга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилсин.






2. Қарор кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлигига юборилсин.

3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида уч кунлик муддатда Нукус шаҳар прокуратурасига ёзма равишда маълум қилинсин.

Нукус шаҳар прокурори   
адлия маслаҳатчиси



М.Т.Тилеумуратов

Қорақалпоғистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
Нукус шаҳар прокуратураси  
2019 йил 12.12.19  
№ 12/19-Қ